

УДК: 8/-4+17

## ЭРКИН АЪЗАМНИНГ “ГУЛИ-ГУЛИ” ҚИССАСИДА ҚҮЛЛАНГАН АНТРОПОНИМЛАРНИНГ ҮЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ш.Тошхўжаева

### Аннотация

Мазкур мақолада Эркин Аъзамнинг “Гули-гули” қиссасида қўлланган антропонимларниң лингвистик ва функционал-семантик хусусиятлари таҳлил қилинади.

### Аннотация

В данной статье анализируются лингвистические и функционально-семантические свойства антропонимов в повести Эркина Аъзама «Гули-гули».

### Annotation

In this article the story “Guli-guli” by E.Azam and functional-semantic and linguistic features of antroponyms used in the work are analyzed.

**Таянч сўз ва иборалар:** антропонимлар, экспрессивлик, образлилик, функционалсемантика.

**Ключевые слова и выражения:** антропонимы, экспрессивность, образность, функциональная семантика.

**Key words and word expressions:** antroponyms, expressiveness, functional semantics, figurativeness.

Маълумки, бадиий асаддаги мукаммал бадиий образнинг пайдо бўлишида асар қаҳрамонларининг ташки қиёфаси, хулқ - автори, нутқи билан бир қаторда уларнинг исми ва уларга муаллиф ёки асар қаҳрамонлари томонидан берилган лақаблар муҳим аҳамиятга эга воситалардан ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам жаҳон адабиёти вакиллари намояндлари ўз асарларида қаҳрамонларининг исмларига алоҳида эътибор бериб, уларга муносиб исм, лақаб топиш санъаткорлик белгиси сифатида ижодкордан катта меҳнат, масъулият ва иқтидорни талаб этишини алоҳида таъкидлаб ўтганлар. Масалага шу нуқтаи назардан қараган ҳолда, биз эътиборимизни адабиёт майдонида жадал суръатлар билан қалам тебратаетган, ўзбек адиллари орасида ўз овози ва услубига эга Эркин Аъзамнинг “Гули-гули” қиссаси ва унда қўлланган антропонимларниң функционал-семантик ва лингвопоэтик хусусиятларига қаратдик. Чунки ёзувчи бошқа жанрдаги кўплаб асарларидан фарқли равишда ушбу қиссасида ҳалқ орасида кенг тарқалган исмлар ва лақабларни коммуникатив мақсад ва

бадиий асар ғоявий-мазмунига мос равиша ўз асари таркибиға олиб кирган.

Ёзувчи бадиий асар таъсирчанлиги ва образлилигини ошириш мақсадида қаҳрамонлар характеристи, хатти-харакати ва касб-кори билан боғлиқ ҳолатда улар исмiga алоқадор кўплаб кинояли лақаблар топиб қўллаган. Уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиб таҳлил қилиш мумкин:

1. Қаҳрамонларниң маълум бир касб билан шуғулланадиган фаолиятини ифодаловчи лақаблар: *Аваз милиса, И smoil телпакдўз, Ҳабибулло магазинчи, Дагар оечи, Додо сомсапаз, Бегам кабобпаз, Сайфиддин купол, Сафар носфуруш, Саттор мискар, Собир тўппонча, Аҳад маҳсум, Раҳмон болта, Ўрин шопир.*

2. Қаҳрамонларниң ўзига хос хусусиятларини англатадиган лақаблар: *Райма битлиқи, Мўмин кал, Шўро бобо, Маъмура гажак, Сайфи пасон, Маймун, Ламарк, Эгам бечора, Эгамбой, Олма келин, Қодир каламуш, Нурмат мусофири.*

3. Қаҳрамонларниң хатти-харакат-лари билан боғлиқ лақаблар: *Салом чолагон, Темир чолагон.*

4. Қаҳрамонларниң характеристи билан боғлиқ лақаблар: *Содик таранг, Вахший Орзиқулов, Соли бақироқ.*

Ш.Тошхўжаева – Кўкон давлат педагогика институти катта илмий ходим-изланувчиси.

## ТИЛШУНОСЛИК

5. Ранг-тус ва шакл-ҳажм каби семаларни ифодаловчи лақаблар: *Ражаб қора, Мастура дароз, Ўрмон калта*.

6. Қаҳрамонларнинг яшаш жойи (топонимика) билан боғлиқ лақаблар: *Маҳмуд боғбололик*.

Ёзувчи қиссада қаҳрамонларнинг лақабларини аниқ изоҳлашга ҳаракат қилиб, уларни киритма позициясида беради. Масалан, *Бултур Кўшдарёга пахта теримига борганимизда шу бўйбости, шу жингалаклари билан у кунназзукун пайкал оралаб атиги тўрт килогина “оқ олтин” терган, кечқурун “штаб” чоғи жисмоний тарбия ўқитувчимиз Орзиқулов уни холироқ хонага олиб кириб, жингалак сочларидан маҳкам чанглаб, кирза этик билан роса қорнига тепган – қани, миқ этса-чи, қани, бир тола сочи юлинса-чи! Буни сўнгра *Ваҳший* (болалар қўйган лақаб) *Орзиқуловнинг ўзи таажжуб аралаш талай вақт нақл қилиб юрган...**

[2.194]. Худди шунингдек, асардаги Эгам бечоранинг хотини - Олма келиннинг лақаби адид томонидан бундай изоҳланади: “Ия, шу уйда унинг яна бир олмаси бор, юзлари қип-қизил, шўхгина, истаралигина – Олма келин. (Асл исми бошқа, юз-кўзига ҳавас қилиб бу номни унга менинг энам қўйган.) Тағин икки олмача – қизалоқ ҳам шуники” [2.217].

Асарда Раймага нисбатан берилган лақаб унинг қизларга хос бўлмаган кўринишда “кўски, ноchorроқ кийимда” юриши муаллифнинг қуидаги ички нутқи орқали имплицит ифодаланган: “*Маймун Райма* (*Рахима-Райима-* Э.А.) *битлиқи* билан ёнма-ён ўтиради. Шўрлик қизнинг битини бирор ушлаб кўрмаган, лекин бошидаги рўмоли доим қийшайиб, кўски, ноchorроқ кийимда юрганига “бит-мити ҳам бўлса керак” деган хаёлга борарди одам” [2.193].

Ёзувчи асарда образлилик ва экспрессивликни кучайтириш ниятида аллегорик образ – каламуш сўзини Қодирга нисбатан лақаб маъносида ироник тарзда мана бундай қўллайди: (Қодир) *“Каламуш – сельпонинг омборчиси, омборида ҳамма нарса бор эди. “Волга”дан бошқа ҳар бало. Каламуш ҳам кўп дейишарди. Лекин энг каттаси – ўзи”* [2.217].

Маълумки, айрим шахслар нутқида расмий, сийқа (шаблон) сўз ва

ибораларнинг ноўрин ишлатилиши, шунингдек, “бекорчи (паразит) сўзлар” деб аталувчи (яъни, масалан, хўш каби) луғавий бирликларни меъёрдан ортиқ қўллаш нутқнинг нотабиий ва ишончсиз чиқишига олиб келади. Эркин Аъзамнинг “Гули-гули” қиссаси қаҳрамони Ўрмоннинг нутқида мана шундай bekorchi “ҳар икки гапининг бирида” такрор қўлланадиган “шахс” сўзи унинг лақабига айланган бўлиб, муаллиф буни қуидагича изоҳлайди: “*Мунозарачи-музокарачиларнинг бари бемалол ўтириб олиб фалсафа сўқади, албатта. Сира ўтиргаган, сира ўтиrolмайдиган, мудом типпа-тик, айвон бўйлаб у ёқдан бу ёқка бориб-келиб ваъз ўқийдиган битта шахс бор. Ҳа, оддийгина одам эмас, шахс. Ўзи ҳар икки гапининг бирида “менинг шахсимни”, “менинг шахсимга нисбатан” деб писандада қилаверади. Ўрмон шахс*” [2.201].

Қиссада Эгам қаҳрамонига нисбатан “бечора”, кейинча эса “бой” каби лақаблар билан мурожаат этилади. Бунинг сабаби адид томонидан асарда қуидагича шарҳланади: “*Эгам бечора* қишлоқдаги энг бечора одам эди. Маҳмуд жўрамизнинг одамларни тоифалаш тартибига кўра – энг охирги ўриндаги кимса. Шу кимса бир кечада кимсан – *Эгамбойга* айланди. (Кейин яна бир бечора бўлиб қолгани энди бошқа масала.) Воеан, кечаси эмас, кундузи, аниқроғи – кечқурун, ҳориб-чарчаб уйга келганида Зина кассир маошига қўшиб мажбуран тутқазган ўттиз тийинлик лотереяга “Волга” ютди у!” [2.217].

Айтгандай қишлоққа кўчма зоопарк келиб кетгандан кейин у ростакам маймунга айланди – илгари оддийгина *Мўмин ё Мўмин дароз, Мўмин найнов, энағар Мўмин, йўқ-йўқ, Мўмин кал эди, Мўмин кал!* [2.194]. Ёзувчи Эркин Аъзамнинг “Гули-гули” қиссасида юқоридаги каби кўплаб лақабларга эга, муаллиф томонидан алоҳида тасвиранган бош қаҳрамонлардан бири – Мўмин калдир. “Гули-гули” деб номланган қисса номи ҳам айнан Мўмин кал – кейинча Маймун лақабига эга қаҳрамон тили(яъни, қиссанинг айнан “Гули-гули” деб номланиши – Т.Ш.)га ишора бўлиб, асарда муаллиф томонидан бу лақаб қуидагича изоҳланган: *Қишлоққа зоопарк келиб*

кетди-ю, бир ҳақиқат аён бўлди-қолди: Мўмин кал деганимиз айнан маймунга ўхшар экан! Узун-узун қўллари тиззасига тушиб туриши ҳам, афт-башарасининг ушоқлигию кўзларининг битдек думалоқлиги ҳам, бароқ қошидан бир эн юқори – пешонасининг қоқ ўртасидан бошлаб ўсан соч пахмоқ жунга айланниб татомоми жойини босиб кетганига - маймуннинг ўзгинаси! Нега илгари ҳеч ким пайқамаган экан буни? Қафасдаги маймунларни кўрган борки, “Вуй, Мўмин кал эмасми анови?!” дерди бир овоздан. Ўша “отарчи” маймунларга тикилавериб, уларга ўхшаб қолдимиликан ё?

Тавба, маймунга ўхшамоқ, маймун бўлмоқ унга гўёки завқ ҳам бағишларди. Шўх-шалайим Маҳмуд “Қани, Мўминбой, бир маймун бўлиб беринг-чи, кўрайлик!” деса, шу заҳоти жон-дили билан баайни маймунга айланарди-қоларди: қип-қизил тилини айлантириб лабларини ялай бошлар, дум-думалоқ кўзларини ҳар ёнга

тикиб бемаъно иршаяр, қўлларини чалмаштириб елкаларини қашимоққа тушар эди.

Кейинчалик билсак, унинг мучали ҳам ўзиға мос экан: ҳамдуна – маймун! [2.209].

Хулоса ўринида шуни айтиш мумкинки, Эркин Аъзамнинг “Гули-гули” қиссасида воқеланган қаҳрамонларнинг турли характеристи, хатти-ҳаракати, касб-кори, рангтуси, хил-хусусиятлари, шакл-ҳажми каби маънолар билан боғлиқ кўплаб лақабларнинг келтирилиши асарнинг ғоявий-бадиий мазмунини янада чуқурлаштириб, асарнинг миллийлиги, ҳалқиlliгини кучайтиришда, асар воқеалари ва образларини типиклаштиришда асосий тил воситаларидан ҳисобланади ҳамда ушбу бирликлар ўзининг экспрессивлик ва образлилиги билан муҳим бадиий-эстетик ва функционал-услубий мақсадларда қўлланилади.

#### Адабиётлар:

1. Қиличев Э. Бадиий тасварнинг лексик воситалари. – Т.: Фан, 1982.
2. Эркин Аъзам. Шовқин. Роман, қисса, ҳикоялар// Гули-гули. – Т.: Ўзбекистон, 2011.

(Тақризчи: Й.Солижонов, филология фанлари доктори).